O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Қонун — ҳам қилич, ҳам қалқондир!

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган | 2000 йил 11 июл, сешанба | № 28 (180) | Сотувда эркин нархда

БУГУНГИ СОНДА:

ТЕКИН ТОПИЛГАН МОЛ...

"ШАКАР ДЕБ ОЛГАНИМ, ТУЗ ЧИҚСА НЕТАЙ?.."





Яқинда Фарғона вилояти Учкўприк тумани марказида вилоят адлия бошқармаси ва Учкўприк тумани ҳокимлигининг яқиндан ёрдами билан замон талабларига мос "Бахт уйи" қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу масканга ташриф буюрган ҳар бир инсон ҳам руҳий, ҳам маънавий озуқа олади.

*Суратларда: (юқорида) ФҲДЁ мудираси Манзурахон Нортожиева ва олий тоифали шифокор Зиёдахон Алимовалар оналик бахтига муяссар бўлган шу туманнинг Қатағон қишлоғилик Наргиза Юсуповага фарзандининг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасини тантанали равишда топширмоқдалар.*

*"Бахт уйи" (чап томонда) ва хотира майдони акс эттирилган.*

**Ғанижон МУҲАММАДҚОДИРИЙ олган суратлар**

*Ҳуқуқий давлатчилик йўлидан*

# ИСЛОҲОТ-ЭЗГУЛИК ЭЛЧИСИ

## *Унинг шарофати билан суд-ҳуқуқ тизими яқин йиллардаёқ демократиянинг ҳақиқий кафолатига айланади*

***Ҳуқуқий давлатчилик тизимининг такомиллашуви бошқарув бўғини ва суд-қонунчилик ҳокимияти ўртасидаги муносабатларнинг замонавий усул ва услубларига кенг йўл очади. Давлат ва суд ҳокимияти ўртасидаги ана шу янгича муносабатларнинг шакл-шамойиллари, моҳият ва мазмуни, уни қарор топтиришнинг амалий чоралари ва ташланаётган қадамлар Хоразм вилояти ҳокимлигининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари О.Р. Каримовнинг "Инсон ва қонун" мухбири саволларига берган жавобларида ўз аксини топди.***

**- Одилбек Рустамович, суҳбатимизни мамлакатимизда кечаётган ҳуқуқий демократик жараёнлар мавзуидан бошласак. Айтингчи, бу жараён маҳаллий ҳокимият идоралари, шу жумладан, Сиз раҳбарлик қилаётган гуруҳ зиммасига қандай вазифа ва мажбуриятлар юкла-япти?**

- Давлат сиёсатининг мақсад ва моҳияти, мазмуни ва йўналиши англанган жойда ютуқлар кўпайиб, хато ва камчиликларнинг йўли тўсилади. Бошқача айтганда, юрар йўлини билган киши бошқаларга қараганда анча илдам ҳаракатланади, салмоқли, самарали ва собит қадам ташлайди. Сиёсатда ҳам шундай. У қанчалик халқчил ва мукаммал бўлса, рўёбга чиқариш жараёни ҳам жиддий оқсашларсиз, тўсиқ ва қаршиликларсиз кечади.

Халқимиз хоҳиш-иродасига асосланган давлат сиёсатини рўёбга чиқариш вазифаси эса биз — ижроия ҳокимияти вакиллари зиммасида. Ҳокимият идора ва ташкилотларнинг ички ишларига ҳеч вақт аралашмайди. У давлат сиёсатининг тўғри, изчил ва тамомила қонуний асосларда юргизилишини назорат қилади ва йўналтириб туради, холос. Айни пайтда давлатимиз сиёсатини оммага етказиш, тушунтириш ва тарғиб-ташвиқ этишдек масъулиятли юмушлар ҳам унинг зиммасида эканлигини унутмаслик даркор. Ана шулардан гуруҳимизнинг бош вазифасини илғаб олишингиз қийин эмас: у мамлакатимиз Конституцияси, республика қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокими қарорлари ижроси билан боғлиқ



ғоят серқирра, долзарб ва масъулиятли юмушлардан иборат.

Сиёсатни омма орасига элтувчилар масъулиятни бошқаларга қараганда 5-10 баробар кўп ҳис этмоқлари даркор. Акс ҳолда у одамлар онгига бузилган ёки мазмун-моҳияти ўзгарган тарзда етиб боради. Маълумингизким, қонун назорати, ҳуқуқ-тартиботи ходимлари асосан тезкор, кундалик юмушлар билан шуғулланишади, биз эса Конститутциямиз, қонунларимиз, Йўлбошчимиз Фармонлари ва ҳукумат қарорларида мужассамлашган сиёсатни ана шу тизимларнинг ходимларига, қолаверса, омма орасига ташувчилармиз.

Қўшимча тарзда шуни айтишим мумкинки, қонунлар устуворлигини таъминлаш ана шу йўлдаги энг муҳим вазифаларнинг бири. Яна бир устувор вазифа кучли давлат тизимидан кучли фуқаролик жамиятига ўтишни таъминлашдан иборат. Бунинг учун мамлакатимизда ишончли ҳуқуқий замин аллақачон яратилди. Энди уни қунт билан амалга оширмоқ, ҳаётга татбиқ этмоқ талаб қилинаяпти. Биласиз, бунинг учун талай саъй-ҳаракатлар, амалий чора-тадбирлар зарур. Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорини маҳаллий тартибда ва шу ернинг шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда бекаму кўст ижро қилмоқ учун ҳуқуқий асос сифатида албатта вилоят ҳокимининг ҳам қарори қабул қилинмоғи керак. Биргина ушбу йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят ҳокимлиги томонидан 316 та ижро ҳужжати тайёрлаб жўнатилди. Ҳокимлик ташаббуси билан 18 та тарғибот-ташвиқот тадбирлари; илмий-амалий конференциялар, семинарлар, учрашувлар ва суҳбатлар ўтказилди. Шу куннинг етилган долзарб масалалари эса 5 бор ўтказилган кенгашлар, мажлис ва йиғилишларда қараб чиқилди. Ҳозир мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар ва анжуманларда белгиланган вазифаларнинг ижросини уюштириш кундалик юмушларимизнинг асосини ташкил этаяпти.

**- Ҳокимлик — муайян ҳududнинг ягона ва мутлоқ раҳбар маҳкамаси. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддасида эса "Маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш" вазифалари киради, дея ёзиб қўйилган. Конституциянинг шу талаби ҳуқуқ тартиботи органлари фаолиятига раҳбарлик қилиш юзасидан маҳаллий ҳокимият идоралари зиммасига қандай масъулиятлар юклайди?**

- Раҳбарликнинг усул ва услублари, мазмун-моҳияти, шакл-шамойиллари ранг-баранг. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш, ҳуқуқий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишлари эса барчамизнинг вазифамиз. Бу ишларнинг бошида турган ҳар бир маҳкаманинг ўз ваколати, ҳаракат доираси мавжуд. Суд ва тергов дахлсизлигини таъминлаш, уни ҳурмат қилиш ҳар биримизнинг масъулиятли бурчимиз, юмушимиз. Бевосита ҳокимлигимиз ва гуруҳимиз фаолиятига келсак, ҳуқуқ-тартибот идораларининг барча ибратли ишлари, тўпланган тажрибаларини ўрганиш, оммалаштириш ва мувофиқлаштиришни энг муҳим вазифаларимиздан, деб биламиз. Бироқ ҳуқуқбузарлик, қонунбузарлик ҳолларининг асоссиз кўпайиши, газак олиши, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, тинчи-ороми бузилишига ҳам бефарқ қарай олмаймиз. Конституциямизнинг Сиз айтган бандидан келиб чиқадиган ваколат ва вазифаларимиз доирасида тегишли ҳуқуқ-тартибот маҳкамалари олдига ўз талабларимизни қўйишга, таклиф ва тавсиялар билан чиқишга ҳақлимиз ва унинг амалда изчил бажарилишини таъминлаяпмиз.

Ҳеч кимга сир эмаски, кейинги пайтларда айрим қўшни давлатлардаги нотинчлик оқибатида жиноятчиликнинг диний экстремизм, терроризм, талончилик, гиёҳвандлик каби кўринишлари юртимизда ҳам пайдо бўла бошлади. Бундай хуружлардан афсуски, вилоятимиз ҳам холи қолаётгани йўқ. Бирники-ўнга, ўнники-туманга дегандай, яккам-дуккам учрайдиган айрим ақидапарастлик, ўғирлик, талончилик ёки қотиллик хатти-ҳаракатлари ўнларча-юзларча тинч оилаларнинг ороми, осойишталигини ўғирлайди. Шундай вазиятда ҳокимлик "кузатувчилик" вазифаси билан чекланиб қола олармиди? Оддий фуқароларнинг истаклари, талаб-таклифларини ўрганиб кўрганимизда эл-юрт тинчлигини таъминлашга одамларнинг ўзлари бош қўшиши мумкинлигини илғаб олдик.

(Давоми 2-бетда)





## СОВҒА УЧУН ТАШАККУР

**"Ҳаёт ва қонун" журнали ҳамда "Инсон ва қонун" газетаси Бирлашган таҳририятининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятлари бўйича мухбирлик пункти раҳбари А.Собиров томонидан туманимиз мактаблари ўқувчиларига "Ҳаёт ва қонун" журналидан 100, "Замон ва макон таҳлили" китобидан 400, "Бургут чангали" китобидан 15 нусха тақдим қилинди. Бу адабиётлар ўқувчиларимизнинг айни пайтдаги таътил кунларида ҳуқуқий билимларни қунт билан ўзлаштиришида катта аҳамиятга эгадир.**

**Туман халқ таълими бўлими раҳбарияти бу беминнат совға учун таҳририятингизга, унинг барча ижодкорларига самимий миннатдорчилик билдиради.**

**К.АМИНОВ,**
**Хазорасп тумани халқ таълими мудири**

*"Адолат"нинг янги китоблари*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ маданиятини шакллантириш борасида мунтазам ва тизимли тадбирларни амалга оширмоқда. Хусусан, аҳолини ҳуқуқий адабиётлар билан таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилаяпти. Бунга вазирликнинг буюртмаси асосида "Адолат" нашриёти томонидан кўп минг нусхада махсус нашр тарзида чоп этилган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари 1995-1999" ўзбек ва рус тилларидаги тўплами далилдир.

Президент Фармонлари. Бу сўзнинг, бу ҳужжатнинг ҳуқуқий жиҳати, қонун тилида баҳоланадиган вазни бор. Оддий, халқ тили билан айтганда Бош қонун — Конституциямизда мустаҳкамланган ва мамлакат халқидан ваколат олган давлат раҳбарининг, юртимиз бошлиғининг мамлакатни, жамиятни мунтазам, кечаси-ю кундузи, ҳар дақиқалик ҳаётини йўналтириб турувчи, турмушни ягона, адолатли ва бунёдкорлик асосида бошқариб борувчи, бошбошдоқлик, хўжасизлик, масъулиятсизлик ва ташаббуссизлик каби ҳаракат ёхуд боқибеғамликдан асровчи, барча учун мажбурий бўлган ҳуқуқий ҳужжатдир.

Омма билиши керак: Президентнинг, юртимиз раҳбарининг ҳар бир Фармони шунчаки имзоланавермайди. Улар бутун бошли соҳани, жабҳани, масалани жараёний ҳал қилишда асосий дастак ҳисобланади. Умумфаолиятимиз, кундалик ҳаракат, юриш-туриш ва ҳуқуқ-манфаатларимизга алоқадорлиги боис ҳар бир фуқарога, мамлакатимиз аҳлига дахлдор бўлади. Агар жоиз бўлса бу ҳужжатларни, кенг дала — давлатни ҳаёт манбаи — сув билан узлуксиз таъминлаётган "чархпалак"-нинг айлантирувчиси деса бўлади. Ҳуқуқшунослар иборасида эса бу мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий соҳаларини мунтазам, даврий ва жараёний жиҳатдан ҳуқуқий тартибга солиб борувчи муҳим манба дейилади, жамиятни бошқаришда алоҳида аҳамияти эътироф этилади.

Тўплам Ўзбекситон Республикаси Президентининг 1995-1999 йиллар мобайнида имзолаган барча Фармонларини қамраб олган. Ундан тадбиркорликни рағбатлантириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти, солиқлар, халқ хўжалигида корхоналар ҳисоб-китоби, туризмга оид, корхоналарни акциялаштириш ва қимматбаҳо қоғозлар бозори фаолиятига тегишли, миллий валюта, аҳоли омонати ва давлат суғуртаси хусусида, оила, ёшлар, болалар, инсон ҳуқуқлари, банкротлик институтларига тегшили, таълим-тарбия, божхона, импорт операциялари, фонд бозорлари, соғлиқ, савдо, истеъмол моллари ва истеъмолчи, хотин-қизлар ва спорт, маърифат ва маънавият ҳамда бошқа ҳаётий муҳим тартиботлар акс эттан ҳужжатлар ўрин олган.

# ФАРМОНЛАР-МУҲИМ ҲУҚУҚИЙ МАНБАЛАР





Тўплам ҳужжатлари сўнгги беш йил ичида юртбошимиз юритган сиёсат ва кечмиш жараёнларни англаб етишга ёрдам беради, ҳуқуқий таянч бўлган манбаа ҳақида ўқувчини бохабар қилади, ҳуқуқий онг ва маданият шаклланишида беқиёс рол ўйнайди.

Китоб нафақат давлат идоралари ва ҳуқуқшунослар, балки кенг китобхонлар — фуқаро учун мўлжалланган, зеро, ўзини ҳуқуқий жамиятнинг аъзоси деб ҳисоблаган ҳар бир шахс юртбошимиз имзолаган Фармонлардан хабардор бўлмоғи керак.

Тўплам Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходимлари Ҳ.Одилқориев ва М.Мирсамадов томонидан жамланган ва мужассамланган. Уни китоб дўконлари ва матбуот тарқатиш нуқталаридан, тўғридан-тўғри Адлия вазирлигидан ёхуд "Адолат" нашриётидан нақд пулга ёки пул ўтказиш орқали харид қилиш мумкин.

**Бирлашган таҳририят**

*Ана холос!*

# "ЖОРА ОТА" ХУНОБ БЎЛДИ

## ёхуд хато ёзганга жазо борми?

"Лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувини жорий қилиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинганига етти йил тўлди. 1996 йилнинг сентябридан мамлакатимиз мактабларининг 1-синф ўқувчилари янги ёзув асосида савод чиқара бошлашганди. Бугунги кунга келиб, барча бошланғич синф ўқувчилари лотин алифбосида бемалол ўқиб-ёза олишади. Бу эса мазкур қонуннинг асосий талаблари амалда бажарилаётганидан дарак беради.

Янги алифбони тарғиб қилиш борасида ҳам бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. Жумаладан, бошланғич синф ўқувчилари учун етарли дарсликлар чоп этилган бўлса, энди лотин ёзувида 5-синфларга мўлжалланган дарсликлар, кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун журналлар, унча кўп миқдорда бўлмаса ҳам кичик ҳажмда китоблар чиқарилмоқда. "Ёшлар" телеканали ташкил этилгандан буён кўрсатув матнлари фақат лотин алифбосида ёзилмоқда. Бу эса кекса-ю ёшнинг кўзи секин-аста янги ёзувга кўникиб, анчамунча кишилар махсус сабоқ олмасдан уни ўрганиб олишига хизмат қилмоқда. Мазкур ёзувдаги нашрларга эҳтиёж сезилаётган ҳозирги пайтда телевидение ўзига хос савод мактаби вазифасини ўтамоқда.

Мамлакатимиз аҳолисининг каттагина қисми дуппа-дуруст ўқиб-ёза оладиган бўлган янги алифбода турли-туман лавҳалар ёзишда, айниқса, оммавий ахборот воситалари хабарларида орфографик хатоларга йўл қўйилаётганлиги ачинарли ҳолдир. Аксарият газета-журналларда лотин алифбосидаги сарлавҳа, рукн, турли ташкилотлар номларини кузатиш мумкин. Таассуфки, шу ёзувларнинг кўпчилигида қатор орфографик хатолар мавжудлиги кўнгилни хира қилади. Хусусан, "Тошкент оқшоми" газетасининг 2000 йил 30 июн сони, 2-саҳифасида "Шаҳримиз кўчаларининг янги номлари" сарлавҳали катта мақолада лотин ёзувида берилган кўчалар номлари бу борада саводимиз ҳали ҳам ҳаминқадар эканлигини кўрсатади. Қуйида ана шу номларнинг газетада хато ёзилган шакли, хато ёзувнинг ҳозирги алифбога кўра ўқилиши ва имловий жиҳатдан тўғри шаклларидан мисоллар келтирсак:

BARDONKOL (Бардонкол) — BARDONKO'L
TEMIRYOL (Темирёл) — TEMIRYO'L
QO'RGONBEGI (Кўргонбеги)— QORG'ONBEGI
GOZALBOG (Гозалбог) — GO'ZALBOG'
CHIMQORGON (Чимқоргон)— CHIMQO'RG'ON
MARUF (Маруф) — MA'RUF
TOJ'YEV (Тожъев) — TOJIYEV
SAGBON (Сагбон) — SAG'BON
TO'RAQORGON (Тўрақоргон) — TO'RAQO'RG'ON
ABDUSHKUR (Абдушкур) — ABDUSHUKUR

Булар-ку майли-я, "Жўра ота" номи "Жора ота" (JORA OTA) бўлиб кетганига нима дейсиз? Аслида JO'RA OTA шаклида ёзилиши керак эмасми?

Энди бир тасаввур қилиб кўринг, газетани олиб ўқиган фарзандларимиз биз катталарнинг савод даражамиздан кулишмайдими? Наҳотки, ҳайҳотдек газетада юқоридаги оддий имловий хатоларни кўриб, "ў" билан "у" ҳарфларини ажрата оладиган бирон-бир ЗИЁЛИ топилмаган бўлса?! Ахир, оммавий ахборот воситалари ходимлари энг биринчи галда маърифат соҳасида илғор бўлиб, янги алифбони пухта ўрганиб, бошқаларга кўрсатишлари лозим-ку! Кўча номларини лавҳаларга битаётганлар "Тошкент оқшоми"даги мақоладан фойдаланишса, қанчалаб маблағ беҳудага совурилишини бир тасаввур қилиб кўринг-а!

"Мулкдор" газетасидаги "Акция" деб номланган саҳифа лотин ёзувида йирик ҳарфлар билан "AKCIYA" ("AKSIYA" бўлиши керак) шаклида ёзилмоқда. Янги алифбода "C" ҳарфи алоҳида ҳарф сифатида қўлланилмайди, балки фақат "h" ҳарфи билан бирга келиши мумкин холос ("CH" - "ч").

Айни пайтда турли ташкилот ва муассасаларнинг номлари ҳамда муҳрлари янги алифбода ёзилаётганини қўллаб-қувватламоқ зарур. Аммо бу соҳада ҳам билибми ёки билмай, орфографик хатоларга йўл қўйилаётгани сир эмас. Жумладан, "O'zbekiston temir yo'llari" номи айрим газеталардаги эълонларда "Uzbekiston Temir Yollari" шаклида (Узбекистон темир ёллари) ёзилган. Фантазия кучига қаранг, "учқур поездлар" тулпорга, шамолда ҳилпираётган от ёлига қиёс қилинганга ўхшайди! Энди бир мулоҳаза қилиб кўринг, ана шу ёзув битилган расмий мактублар мамлакатимиз ва хориж давлатларининг қанчалаб идора ҳамда ташкилотларига юборилмади экан?!.

Шу ўринда бир таклиф борасида ўйлаб кўриш лозим, чамаси. Қонунчилигимизда оммавий ахборот воситалари, расмий ёзувлар ҳамда ташқи ахборот-реклама матнларида давлат тилидаги ёзувни орфографик жиҳатдан нотўғри ёзганлик учун жазо белгиланмаган. Бизнингча, Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодексига ана шу ҳақда алоҳида модда киритилиб, унда тегишли жазога тортиш учун судга ариза билан мурожаат қилиш ваколатини қайси органларга (ёки шахсларга - ?!) берилиши ҳам кўрсатиб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ажаб эмас, шундан кейин давлат тилига эътибор кучайса ва ёзувларни битишдан олдин мутахассисларга кўрсатиб олиш амалиёти ҳаётимизга тезроқ кириб борса. Ана ўшанда тилимиз, маданиятимиз ва маънавиятимиз ҳақида қайғуриш сўзда эмас, амалда ўз ифодасини топади.

**Бахтиёр ШОҲНАЗАРОВ,**
**журналист**

*Ташвишли қўнғироқ*

# БИЗНИ ТИНГЛАЙДИГАНЛАР БОРМИ?

Мана, уч йилдан ошаяптики, ичимлик сувидан қийналамиз. Маҳалламизда 7 та кўча бор. 112 та хонадон ёзнинг жазирамасида сув излайди. Биз-ку катталар бир амаллаб чидаймиз, аммо болаларга қийин. Оддий чой қайнатиш, ичишга топилмаган сув кир ювиш ёки чўмилишга топилармиди?

Бу борада мурожаат қилмаган жойимиз қолмади. Тўғриси, бошимиз қотиб қолди, нима қилсак экан?

Ҳурматли "Инсон ва қонун"! Наҳотки, бизнинг юмушимиз битмайдиган, чорасиз бўлса. Бизга йўл кўрсатинглар, ёрдам беринглар деб

**М.ҲОШИМОВА,**
**А.Икромов тумани, Ҳайратий номидаги маҳалла, Шароф 3-тор кўчаси аҳолиси номидан жами 17 имзо**

***ТАҲРИРИЯТДАН:** инсонга кўп нарса керакдай туюлади-ю, аммо зарур пайтда биз бир-биримиздан оддий эътиборни ҳам кўп кўрамиз. Ахир, инсон учун сув билан ҳаводан зарури борми? Нега маҳалла аҳолисининг арзига ҳеч ким қулоқ солмас экан, эътиборсизлик қачонгача давом этади? Оддий эҳтиёждан келиб чиқиб, талаб қилаётган аҳоли яна қачонгача сарсон бўлади?*

*Бу саволларга Акмал Икромов тумани ҳокимлигидан аниқ жавоб ва тадбир кутамиз.*

# ЮЗИ ШУВУТ БЎЛДИ

Халқ ризқи ҳисобланган буғдойни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш жойларда қай йўсинда ташкил этилган? Бу саволга жавоб топиш мақсадида хўжаликларда бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил май ойидаги "2000 йилги бошоқли дон экинлари

**Ғалла - 2000**

ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш масалалари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан текшириш ўтказилди.

Текширув чоғида "Бўка" жамоа хўжалигида бу борада йўл қўйилган камчиликлар ва талон-тарожлик ҳолатлари содир этилаётгани аниқланди. Хўжалик раҳбарлари ҳамда мансабдор шахслар туман прокуратураси томонидан ғаллани нобуд қилиш ва талон-тарожликнинг олдини олиш ҳақида расмий равишда огоҳлантирилган бўлишларига қарамай, бундай масъулиятли ишга бефарқ қараганлар.

Масалан, хирмон атрофларида ёнғинга қарши кураш воситалари етарли эмас. Хирмонга ғалла ўрим-йиғимига алоқадор бўлмаган кишилар ва техникаларнинг бемалол кириб-чиқиб юришига йўл очиб қўйилган. Хирмонга ташиб келтирилаётган ғалланинг қатъий ҳисобини олиб бориш ва йиғим-теримга жалб қилинган ҳар бир ишловчининг фаолиятини қаттиқ назорат қилиш транспорт воситаларига кузатувчилар бириктириш ўз ҳолига ташлаб қўйилгани оқибатида буғдойни ташмалаш жинояти содир этилган.

Шу йил 14 июн кунги текширишда хўжаликнинг буғдой қуритиладиган хирмонига биркитилган аъзоларидан Мухтор Батешов билан Жалдасбек Байменов бошқаларнинг тушликка чиқиб кетганидан фойдаланиб, қуритилган буғдойдан бозор нархи 20 минг 720 сўм бўлган 296 килограммини 8 та қопга жойлаб, атрофдаги қамишзор ичига яшириб қўйишади. Улар бу "луқма"ларини тун ярмида аравага юклаб уйларига олиб кетишаётганларида ушландилар. Бу жиноятни содир этган шахслар — 1959 йилда туғилган Мухтор Батешов ва 1965 йилда туғилган Жалдасбек Байменовларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 167-моддаси 2-қисмининг "б" банди билан жиноий иш қўзғатилди ва аниқланган қонунбузилишларига барҳам бериш ҳақида жамоа хўжалиги раҳбари номига тақдимнома киритилди.

**Икромжон УМИРЗОҚОВ,**
**Бўка туман прокурори ёрдамчиси, 3-даражали юрист,**
**Ҳамид АСРОҚУЛОВ,**
**журналист**

# ХОРАЗМДА ХАЛҚАРО АНЖУМАН



*Оролбўйи экологияси ва ҳаёт*

Мамлакатимизда атроф-муҳитни мусаффо асраш, Орол муаммоларини бартараф этиш ва аҳоли соғлигини муҳофаза қилишга қаратилган қатор қонунлар, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилинган. Республика ҳукумати бу масалада жаҳоннинг турли давлатлари, халқаро ташкилотлар илмий, амалий жамоатчилик билан мустаҳкам алоқалар боғлаяпти, қатор халқаро ташкилотлар Ўзбекистонда фаолият кўрсатаяпти.

"Бизнес, экология ва саломатлик". Яқинда вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган "Оролбўйи минтақаси ҳисобланган Хоразм вилоятида экология ва саломатлик муаммолари" мавзуида ўтказилган халқаро конференциянинг ялпи мажлиси олдидан бўлган давра суҳбатини халқаро "Экосан" жамғармаси, Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлиги ташкилотининг Марказий Осиё бюроси, "Экосан" халқаро Рим клубининг Тошкент бўлими ва Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамкорликда уюштирди. Анжуманда жаҳоннинг кўпгина таниқли амалиётчилари, илм-фан намоёндалари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатия корпуси ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, "Экосан"нинг Тошкент клуби (Рим клубининг шахобчаси) аъзолари, воҳа тадбиркорлари, маҳаллий ҳокимият идоралари ходимлари иштирок этдилар. Атроф-муҳит мусаффолиги ва саломатликнинг бизнес билан боғлиқ муаммоларига бағишланган давра суҳбати халқаро "Экосан" жамғармаси президенти Ю.Шодиматовнинг кириш нутқи билан бошланди. Воҳа тадбиркорларининг экология тозалик йўлида халқаро ташкилотлар, жамғармалар ва банк муассасалари билан ҳамкорлиги имкониятлари хусусида вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи М.Жуманиёзов, Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси М.Собиров, Республика "Бизнес-жамғармаси" ўқув-услубият Маркази раҳбари Р.Турсуновларнинг ахборотлари тингланди. Давра суҳбатида Осиё тараққиёт Банки, Жаҳон банки, "Россиякредит" банкининг республикамиздаги ваколатхонаси раҳбарлари Г.Нагараджа, Д.Пирс, Н.Мирсултонов, "Нбювейтс-Экосан" халқаро ташкилоти вакили С.Хайвазьян, Хоразм вилояти товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Б.Қуриёзовлар келтирган далиллар, исботлар, маълумотлар, ахборот ва янгиликлар катта қизиқиш уйғотди. Анжуманда Хоразм вилояти аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, экология жиҳатидан соф ва мусаффо, саломатлик учун фойдали ҳисобланган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи мўъжаз корхоналар, цехларни кўплаб бунёд этиш, унга чет эл инвестицияларини кенг жорий қилиш хусусида фикр билдирилди. Инсон саломатлигига хизмат қилувчи корхона ва иншоотларни барпо этиш ниятини дилига жо этган хоразмлик ишбилармонлар ва ўз инвестицияларини республикамизга келтиришдан манфаатдор бўлган қатор хорижий сармоядорлар фойдали ҳамкорлик йўлида бир-бирини излашаётгани суҳбат асносида равшан бўлди. Бундай интилишларда биринчи навбатда кенг фуқаролар оммаси манфаат кўради. Бу эса маҳаллий тадбиркорлик ва чет эллик инвесторлар учун айни муддао ҳисобланади. Шу муносабат билан ҳамкорликда таркиб топган 32 та чет эл қўшма корхонаси фаолиятини тубдан жонлантирмоқ даркор. Зеро, хориж билан ўзаро фойдали алоқалар ана шу корхоналар воситачилигида рўёбга чиқади. Айни пайтда янги қўшма корхоналар очишга ҳам катта эътибор билан қарамоқ зарур.

Конференциянинг ялпи мажлиси эртаси куни "Урганчтрансгаз" давлат корхонаси мажлислар залида ўз ишини давом эттирди. Унда мамлакатимиз, қатор хорижий давлатлар ва халқаро сармоя ташкилотларининг ваколатли намоёндалари маъруза ва нутқлар билан чиқдилар.

Оролбўйи минтақасидаги экологик номутаносибликларга қарши кураш ва уни бартараф этишда ўтказилган анжуманнинг аҳамияти катта. У оролбўйидаги мавжуд экологик вазиятга республикамиз ҳукумати, бир қанча хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар бефарқ қарамаётганини ёрқин намойиш этди.

**С. АБДУЛЛАЕВ**

# ТАВБАСИГА ТАЯНИШАЯПТИ

*Кўрлик*

Истиқлол туфайли эришаётган муваффақиятларимиз, фаровонлик пойдеворининг яратилиши кўнгилларни хушнуд этади. Ғайрат-шижоатла ишлашга, фидойиликка руҳлантиради. Буни, назаримизда, кўпчилик тушуниб етаяпти.

Аммо... баъзи қора ниятли кимсалар ҳамжиҳатлигимизга, ривожланишимизга раҳна солишга уринадилар. Бундайларни юртдошим деб аташга ҳам тилим бормайди.

Андижон шаҳрилик Абдуносир Самсаков экстремистик фикрдаги шахсларнинг ёлғону фитналарига учганлардан бири. У фойдали меҳнат қилишдан кўра ислом дини ниқобидаги "Ҳизбитаҳрир"чилар қаторига қўшилди. Мустақил мамлакатимизда эътиқод эркинлигига тўла шароит яратилганлигини ўзича баҳолади. Ҳамшаҳарлари Одил Отахонов, Аҳмад Ҳайдаров, Абдулҳамид Бекмирзаев, Иброҳим Умаров ва бошқаларнинг ислом дини ниқоби остида ёвуз ниятларини амалга оширишларида қўлтиқтаёқ бўлди. "Ҳизби-таҳрир"чиларнинг халифалик давлати тузишга бел боғлаганлар қаторида бўлди. Ислом дини бўйича таълим ўргатиш баҳонасида яширин халқалар тузишда, жамиятда қарор топган қонун ва қоидаларга зид равишда, жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган жиноий ҳаракатларда иштирок этди.

Жамиятда вазиятни барқарорлаштиришга ундовчи уйдирмалар, "Ҳизби-таҳрир" диний партиясининг фуқароларнинг тотувлигини бузишга қаратилган варақалари, турли адабиётларни аҳоли ўртасида тарқатишда қатнаша бошлади.

Ёт унсурлар домига тушган Абдуносир Самсаков ўзининг болалик дўсти, синфдоши Абдулҳамид Бекмирзаев кабиларни бундай ишларга жалб этди. Муқим Тўраев, Анвар Йўлдошев, Воҳид Сотволдиев, Убайдилла Ғофуров, Хайрулло Мадраҳимов, Оятилло Самсаков, Муродилло Қодиров кабиларни йўлдан уришди. "Ҳизбитаҳрир"ни маблағ билан таъминлашга киришди.

Аммо... бундай хатти-ҳаракатлар тез орада далиллар билан фош этилди. Бўлиб ўтган тергов ва судда, уларнинг барча қилмишлари тўлалигича фош этилди. Уларга суд қонуний жазо тайинлади.

**Рустамжон ИМОМОВ,**
**Андижон вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари**

# АЁЛ КИШИ МАҲАЛЛАГА БОШ БЎЛСА...

**- БУ БИРИНЧИ ГАЛДА ШУ ҲУДУДДА ЯШОВЧИ УЙ БЕКАЛАРИ УЧУН КАТТА ҚУЛАЙЛИК БЎЛАРКАН. ЧУНКИ...**



***"Маҳалланг — ота-онанг" иборасининг қанчалик ҳаётийлигини бугунги давр кўрсатиб турибди. Хоҳ оила келишмовчиликларини бартараф этиш, хоҳ қўни-қўшнилар можароларини ҳал қилиш ёки бирор идорага керакли тавсифнома бериш, умуман, барча-барчаси бугунги кунда маҳалла ва маҳалла қўмитаси зиммасига юклатилди. Ҳатто турли хил хизмат тўловларини аҳолининг ўз вақтида тўлашларини йўлга қўйиш ҳам маҳалла оқсоқоли ва фаолларининг вазифаси бўлиб қолди. Албатта, ўзларига юклатилган ишларнинг уддасидан чиқиш маҳалла оқсоқолидан жуда катта масъулият, юксак ирода, фидойилик, сабр-бардош талаб этади. Ангрен шаҳридаги Янги Жигаристон маҳалла қўмитаси раисаси Гулбуви СОТИБОЛДИЕВА (суратда) билан маҳалла ҳаётига оид суҳбатимиз ҳам айнан шу хусусда бўлди.***

***Шу ўринда суҳбатдошимиз Г.Сотиболдиевани қисқача таништириб ўтсак: 1962 йилда эски Жигаристон маҳалласида таваллуд топган Гулбуви бир неча йил Ангрен ДНЭСида омбор мудираси бўлиб ишлаш билан бирга жамоатчилик ишларида ҳам фаол қатнашган, маҳалла хотин-қизлар қўмитасига раислик қилган. Унинг фидойилигини, жонкуярлигини, инсоний фазилатларини биладиган маҳалладошлари бўшаб қолган маҳалла оқсоқоли ўрнига Г.Сотиболдиеванинг номзодини кўрсатиб, якдиллик билан тасдиқлашди.***

**- Аёл киши бўла туриб маҳаллага раислик қилиш осон эмаслиги табиий...**

- Албатта. Баъзан ана шундай масъулиятни зиммамга олганимга афсусланаман. Лекин маҳалла фаолларининг, кўпни кўрган тажрибали кишиларнинг далдаси, маслаҳати ўз вазифамга сидқидилдан ёндошишга ундаб туради. Маҳаллада 225 та хўжалик бўлиб, 2009 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳар бир оиланинг турмуш тарзи доим кўз ўнгимда туради... Айниқса, оила можароси энг нозик масалалардан бири. Баъзан бировларнинг, кўп ҳолларда ўзимнинг ҳаётимдан мисоллар келтириб, муаммони ижобий ҳал қилишга ҳаракат қиламан.

Ҳар ойда маҳаллага ёрдам пули ажратилади. Мана шу маблағни муҳтож, қаровчиси йўқ оилаларга қонуний асосда тақсимлаймиз.

**- Маҳаллада ким нима иш билан машғуллигини ҳаммадан кўра Сизлар яхши биласизлар. Кейинги пайтларда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, умуман, аниқ мақсад йўлидан оғишмай бора оладиган кишиларга кенг имкониятлар очилган. Янги Жигаристонда ана шундай хайрли ишларни бошлаган ишбилармонларга маҳалла қўмитаси томонидан қандай ёрдам берилаяпти?**

- Инсоннинг ҳаёти унинг буюк мақсадлари билан гўзал. Аввало ҳар қандай улуғ ишни бошлаш учун мақсад ва режа аниқ бўлиши шарт. Буларни амалга ошириш эса ўз-ўзидан маблағ масаласига бориб тақалади. Шу йилнинг бошидан буён давлатдан кредит олиб, фаолият бошлаш мақсадида бир неча оила бошлиқлари қўмитамизга мурожаат этишди. Биз уларнинг мақсад-режа ва имкониятларини атрофлича ўрганиб чиқиб, Раҳматилла Байнаев, Абдуқаҳҳор Алиқулов, Топил Худобердиевларга маълум миқдорда кредит олишлари учун тавсифнома, кафолат бердик. Аммо мана, жорий йилнинг ярми ўтди ҳамки, уларнинг бу муаммоси охиригача ҳал этилмади. Ҳар хил сабабларга кўра керакли маблағни ҳанузгача ололганлари йўқ...

**- Балки бунга уларнинг амалдаги қонунларимизни, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши тушуниб етмаганлари сабабдир?**

- Дарвоқе, ана шу фуқаролик ҳуқуқимизни билмаслигимиз оқибатида ҳам бошимизга ҳар хил ортиқча ташвиш ва ғавғолар тушиши мумкинлигига меҳнат фаолиятим давомида жуда кўп марта амин бўлганман. Ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билган инсон турли идораларда бебаҳо вақтини ўтказиб, қадрини оёқости қилдириб қўймайди. Ҳар кимнинг гапига қулоқ солиб тўғри йўлдан адашмайди. Таъбир жоиз бўлса, барча ҳамшаҳарларимизга ҳақ-ҳуқуқингизни билинг — ҳеч қачон ютқазмайсиз, бошингизга ортиқча ташвиш орттирмайсиз, дегим келади.

Яқинда маҳалла оқсоқоллари ҳамда шаҳар прокуратураси ходимлари билан учрашув ўтказилди. Ушбу учрашувда ҳам айнан шу масалага эътибор беришимиз, шунингдек, маҳаллалар осойишталигини сақлашда доим ҳушёр бўлишимиз зарурлиги қайта-қайта уқтирилди. Зарур пайтларда ўзларининг қимматли маслаҳат ва йўл-йўриқларини аямаётган шаҳар ИИБ бошлиғи Шавкат ака Файзиевдан, милиция майори Карим ака Мирзалиевлардан шу ўринда беҳад миннатдорлигимни айтиб ўтишни истардим.

**- Гулбуви опа, ишнинг унумли бўлиши, кайфиятингиз кўтаринкилиги биринчи навбатда оиладаги муҳитга боғлиқлиги сир эмас.**

- Албатта, биринчи ўринда елкангдаги масъулиятни турмуш ўртоғинг, фарзандларинг, барча яқинларинг англаб етиши керак. Акс ҳолда... Турмуш ўртоғимдан, болаларимдан бу борада ҳеч ҳам ўпкаламайман. Аксинча, улар мени доим тўғри тушуниб, қўллаб-қувватлаганлари учун оилада ўзимни бахтли аёлман, деб биламан.

**- Биласизми, Гулбуви опа, кўпчилик аёллар маҳалла қўмиталарига аёл киши бошчилик қилиши тарафдори...**

- Бу тасодифий гап эмас. Чунки бизнинг халқимиз рўзғоридаги кам-кўстни, келишмовчиликни ошкора этишни ор биладиган миллат. Оила можаролари бир томоннинг суягига пичоқ бориб қадалгандагина юзага чиқади. Бунда кўп ҳолларда уй бекаси жабрланувчи бўлади ва у дилидаги гапларни оқсоқолга ошкора айта олмайди. Аёл киши бундай пайтда дардини охирги томчисига тўкиб солиб, озгина панд-насиҳат берадиган кишига муҳтож бўлади. Аёл юрагидаги гапларни фақат аёлгагина ишониб айта оладилар ва улар бир-бирларининг фикрларини тўғри англай оладилар.

**- Эшитишимизча, маҳаллангиздаги эътиборга муҳтож кишиларнинг ҳолидан доим хабар олиб турар экансиз. Сиздан айниқса, кексалар жуда миннатдор экан. Яқинда ҳокимлик томонидан ўзингизга берилган совғани ҳам улардан бирига топширибсиз...**

- Аслида гап совғада ёки унинг баҳосида эмас. Энг зарури — эътибор. Бир оғиз ширин сўз билан кишининг кўнглини кўтариш, яхши ният билдириб қўйиш одамдан кўп вақт талаб этмайди. Лекин сиз ўша одамга ажратган беш-ўн дақиқангиз билан бир йилга, балки бир умрга етадиган маънавий озиқ бериб, қалбида унинг ёруғ эртасига умид уйғотишингиз мумкин. Атрофимиздагилардан бир оғиз ширин сўзимизни дариғ тутмасак, ўзгалар қалбида унган, биз эккан эзгулик уруғлари ҳаётимизни мунаввар этиши шубҳасиз.

**Бахтжон ҚИДИРБОЕВА,**
**Матлуба МУСАЕВА**
**суҳбатлашди**



*Фарзанд - оила қувончи.*

# ОИЛА МУҚАДДАСЛИГИНИ УНУТМАНГ

*Севги ва никоҳ*

Синглим театр-рассомчилик институтининг талабаси эди. Муҳаббат домига илиниб, Тўрткўл шаҳрига узатилди. Манзил олис, онаизоримиз кўз ёшлари денгиз бўлди. Танноз қизнинг янги жойга ўрганиши осон кечгани йўқ. Қўшни қиз-жувонлар билан биргаликда далага чиқиб чопиқ қилди. Пахта терди. Бундан ташқари рўзғор, қайнона ва эрининг кўнглини олиш, хуллас, юмушлари кўп эди бояқишнинг. Санъат қалбида армон бўлиб қолди. Энди унинг режиссёри эри билан қайнонаси бўлди. Боласини кўтариб йиғлаб келиб қоларди. "Ўзинг пиширган ош," - деди ака-укалар. Онам: "Мен еттовингни тирик етим қилмадим, ҳолбуки орзуларим мўл эди менинг ҳам" десалар, "Қиз бола палахмон тоши, энди ўша ерда палак ёзиб, тош бўлиб ботгин", дедилар бувим. Синглим эри келиб қолса, мунғайибгина олдига тушарди. Ана шу зайил ўн беш йил кечди. У тўрт нафар боланинг онаси бўлди. Неча бор лойқаланиб оққан дарё ўз ўзанида тиниб оқа бошлади. Бу йил Янги йилни кутгани уларникига бордик. Бир уй хотиннинг гурунги қўр олди.

- Ҳакимбойнинг қизи қочиб эрга тегиб эди. Ажрашибди-ми?

- Ҳа-я. Шошилган қиз эрга ёлчирмиди, эгачи? Катта охурдан ем еб ўсган қиз камбағал эрнинг топганига қаноат қилармиди.

- Шундай денг, э охири бахайр бўлсин-да...

- Нимасини айтасиз. Рўзимнинг бу хотини ҳам дуруст чиқмаганмиш-ми?

- Ҳа, Нигоранинг боласини чиқиштирмаётганмиш. Шу Рўзим ҳам қизиқ. Болани онасидан ажратиб нима қиларди. Айтишади-ку: "Оналик етим ҳур етим, оталик етим хўр етим" - деб.

- Унинг ўзи олмаганмиш-да. Судда: "Ўғлим майли отаси билан қолсин" - дебди. Тошкентда ким биландир яшаб юрганмиш.

- Э, ўлсин она бўлмай, боланинг уволи тутсин. Рўзим энди нима қиларкан?

- Нима қиларди: "Ўғлимни сиғдирмасанг кет" - деяётганмиш.

- Вой, худойим-эй, ажрашсалар энди икки бола тирик етим бўлади-ми?

Суҳбатнинг дами кесилди. Эшикдан пастак бўйли кўримсиз йигит мўралади. Биров унга "кел" демади. Унинг ўзи келиб хонтахта атрофига чўкди, Мастонавор кўзлари атрофга ғалати боқарди. "Гиёҳванд бўлса керак" - деган фикр кечди кўнглимдан.

- Шамми оға, меҳмон янгамни бизникига олиб ўтинг, - деб чиқиб кетди.

- Бети қурсин, наркоман. Уйида бирор кун ҳам тинчлик йўқ. Топган пулига героин олиб чекади, - деди бир аёл.

Шундан сўнг мавзу гиёҳвандликка бурилди. "Баъзи ёшлар бу балога ружу қўйишяпти" - дейишди улар. Кимнинг ўғли, кимнинг қизи бу дардга мубтало эканликларини бир-бир ҳикоя қилишди.

Тинглаб ўтирибман-у юрагим сиқилади. Кўз олдимга қўшнимнинг қизи Дилдора келади. Уни тагли-тугли бир жойга узатишган эди. Йил ўтиб ўғиллик бўлганини эшитдим (биз бошқа жойга кўчиб кетгандик). Кунларнинг бирида уни кўчада учратиб қолдим. Эти устухонига ёпишган, чўпдек озиб кетганди. Кейин эшитсам, эри гиёҳванд экан. Кўп ўтмасдан турмуши бузилди. Бу воқеа дилимга соя солганди. Мақоламиз қаҳрамони Ҳафиза Ҳакимова билан ҳам шундай гурунгларнинг бирида танишдик. У туман ФХДЁ бўлимининг мудираси бўлиб, асли қўқонлик. Синглим Саодат сингари бу ёқларга келин бўлиб тушган экан.

- Менимча, - дейди у, - кўпчилик ёшлар моддий етишмовчилик туфайли ажрашиб кетаяптилар. Рўзғорнинг моддий талаби кун сайин ошиб, муаммолар кўпайиб боряпти. Болаларининг оғзига топган хотин эгнига ёки бошқа ҳавасларига етказаолмай ғиди-бидиларни кўпайтириб, эр асабини қақшатмоқда. Натижада оилада жанжал чиқмоқда. Яна бир сабаб, ота-оналар негадир қизларини жуда эрта турмушга узатишга ҳаракат қилишмоқда. Ахир эндигина 16 ёшга кирган, ҳали она сути оғзидан кетмаган, турмуш қуришга руҳан тайёр бўлмаган қиз қандай қилиб дабдурустдан рўзғорнинг оғир юкини эплаб кетади?

Назаримда, унинг гаплари ҳақ. Ҳамма қизлар ҳам 16-17 ёшида турмушга чиқишга тайёр бўлавермайди. Ҳафизахон айтганидек, балоғат ёшини 16 эмас, балки қизлар учун 18, йигитлар учун эса 20 дан белгилаш жоиз, шекилли.

Муҳаббат ҳар бир дилнинг ўзига хос қўшиғи. Уни ҳар ким ўзича куйлайди. Бироқ оила муқаддас. Чимилдиққа кирган қиз ортида қолган ҳаётини ҳам, дилидаги орзу-хаёлларини ҳам орқага ташлаб кетгани маъқул. Севиб турмушга чиқдими, ё ота-она истаги биланми бунинг фарқи йўқ. Энг аввало, рўзғор тизгинини қўлида тутгани яхши. Чунки у она. Агар эркакни бир чавандоз деб, отга миндирсак, ўша отнинг тизгини истайдими-йўқми барибир аёл қўлида бўлади. Демак, оила мустаҳкам бўлишида аёлнинг роли катта экан.

Айрим ҳолатларда асосан эркак айби билан нохушликлар содир этилади. Масалан, "тўқликка шўхлик қилган" эр, қуюшқондан чиқиб кетади. Хотин устига хотин олиб аёлини куйдиради. Улар бундай беъмани саъй-ҳаракатларини шаръий никоҳ орқали амалга ошираётганликлари сир эмас. Кўнгил обод бўлмаса, тирикликда маъни йўқ. Аёл зоти борини фарзандлари, умр йўлдошига бағишлайди.

- Шаръий никоҳ қонуний никоҳдан сўнг ўқилгани яхши. Афсуски, ҳозирги пайтда бунинг акси бўлаётир, - дейди Ҳафизахон.

Унинг гапига қараганда ёшлар ҳатто бир-икки нафар болали бўлишганидан сўнггина қонуний никоҳдан ўтгани келишаётган экан. Айниқса, гўдакларга туғилганлик гувоҳномаси берилаётганда муаммолар келиб чиқмоқда. Афсуски, улар орасида ажрим қоғози олаётганлар ҳам бор. Бунга эса аввало ёшларнинг ўз кўнгилларига ва ўз тақдирларига бепарво қараётганликлари, сўнгра эса оиласи, хотини ё эри, фарзандлари олдида ўз масъулиятини унутиб қўйиши сабаб бўлмоқда.

**Шарофат ИСКАНДАР**
**қизи ёзиб олди**

# КЎЗЛАРИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН



Соғлиғимиз ўз қўлимизда

***Инсон саломатлиги ноёб бойлик. Уни мудом эъзозлаш, эҳтиётлаш лозим. Фуқаролар соғлиғи давлат учун ҳам катта аҳамиятга эга. Мамлакатимизда хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилган. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида хусусий дўкон, хусусий хўжаликлар қатори, хусусий тиббий масканлар ҳам кўпайиб, ривожланиб бораётир. Пуллик хизматнинг афзал томонлари шундаки, у кафолатли бўлади. Яъни шифокор беморнинг юз фоиз соғайтириш кафолатини олиб, даволашга киришади. Агар у кафолатни бузса, жавобгарликка тортилади. Келинг, бу ҳақда яхшиси кўз касалликлари бўйича мутахассис, "Контакт линзалар" хусусий фирмаси директори Бахтиёр ЯКУБОВдан эшитайлик.***

- Кўз касаллиги ўта нозик касалликдир. Арзимаган эътиборсизлик туфайли инсон бир умрга ёруғ дунёни кўришдан маҳрум бўлиб қолиши мумкин, - дейди Бахтиёр ака. - Бизда ўз соғлиғимизга бироз эътиборсиз қараш одатимиз бор. Дардни берган худо давосини ҳам ўзи берар, деб соғлиғимизга кўпам аҳамият бермаймиз. Арзимаган харажатдан қочиб, касалликнинг зўрайишига йўл қўямиз. 1996 йили "Республика контакт линза" маркази хусусий фирмага айлантирилди. Бизнинг фирма республикада биринчи бўлиб контакт линзаларни қўллаш орқали кўз касалликларини даволаш ҳамда кўз нуқсонларини бартараф этишга эришди. Марказимизда олий тоифали шифокорлар, малакали тиббий ходимлар ва оптик инженерлар хизмат қилишади. Германиянинг "Карл Цейс", Англияда ишлаб чиқарилган "Нисел" номли энг замонавий тиббиёт жиҳозлари беморлар хизматида.

**- Кўз касалликлари асосан қандай ёшдаги кишиларда учрайди ва унинг кўпайишига нималар сабаб бўлади?**

- Ҳозирги кунда бу касаллик ёшларда ҳам, кексаларда ҳам учрайди. Сабаби эса турлича. Айни пайтда кўпроқ кўз касалликларидан катаракта, лигопия, яъни узоқни кўра олмаслик касалликлари билан оғриганларга дуч келамиз. Бу касалликлар гоҳида оғриқли, гоҳида оғриқсиз кечади. Шу сабабли кўпчилик касалликка эътибор қилмайди. Ё бўлмаса кўзойнак тақишдан уялиб (айниқса ёшлар), касалликни беркитишади. Натижада кўзнинг кўриш қобилияти вақт ўтган сари сусайиб боради. Бундай ҳолларда эса бизнинг контакт линзалар қўл келади.

**- Контакт линзалар фақат гўзаллик, яъни кўз касалликларини яшириш учун қўлланиладими ёки унинг оптик кўзойнакдан афзал томонлари ҳам борми?**

- Ривожланган мамлакатларда асосан контакт линзалардан фойдаланишади. Уни ҳар хил мақсадларда, яъни кўзнинг кўриш фаолиятини соғломлаштиришда, юқори миопия, астигматизм, анизометропия касалликларини даволаш, болаларда кўз ғилайликлари олдини олишда фойдаланилади. Линзалар юмшоқ, қаттиқ, ярим юмшоқ турларга бўлинади. Бундан ташқари чирой линзалари ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳар хил қора, мовий, сариқ рангда бўлади.







Контакт линзаларнинг оптик кўзойнаклардан афзаллик томонлари шундаки, улар синмайди, офтобда терламайди. Оптик кўриш майдони бир неча бор кўп. Улар кўзнинг кўриш қобилиятини сақлаш ҳамда уни тиклаш қобилиятига эга. Махсус линзалар ультрабинафша нурлардан компьютер, телевизор нурларидан зарарланишдан сақлайди.

**- Кўз касалликларининг олдини олиш учун нималарга эътибор қилишни тавсия этардингиз?**

- Бизнинг болалигимиз китоблар қучоғида ўтган. Ҳозирги болалар эса компьютер, телевизорнинг ёнидан жилишмайди. Ота-оналар ўз фарзандларига ҳимоясиз компьютердан фойдаланиш мумкин эмаслигини, телевизорни ҳам маълум масофадан кўриш, кўрганда ҳам вақти-вақти билан, кўзга дам бериб кўриш лозимлигини тушунтирсалар фойдадан холи бўлмасди. Чунки касални даволашдан олдини олган афзалроқ.

Бундан ташқари ҳозир ёз чилласида — қуёш нурини аямай сочиб турган бир пайтда офтобдан сақловчи кўзойнаклардан фойдаланишни тавсия қилардик. Чунки (айниқса, туш пайтида) қуёш нурлари ерга тик тушади. Асфальтдан синиб қайтган ультрабинафша нурлари тўғридан-тўғри кўзнинг гавҳарига бориб урилади ва бора-бора гавҳарни ишдан чиқаради.

**- Айтинг-чи, жаҳон андозалари даражасида даволаш учун яна нималар қилиши лозим?**

- Менимча, аввало, одамларнинг руҳиятини кескин ўзгартиришга, ўз соғлиғи учун ўзи кўпроқ қайғуришига эришишимиз лозим. Даволашда эса кафолат шарт. Бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида контакт линзаларнинг устунлик томонлари ўз исботини топмоқда. Мақсадимиз жарроҳлик усулидан воз кечиб, кўзни реабилитация қилиш. Юқори сифатли контакт линзаларни ишлаб чиқариш. Бунинг учун эса жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган "Эксимер лазер" марказини ташкил этиш.

**- Ушбу мақолани ўқиб, Сизларда даволаниш нияти пайдо бўлган беморлар қайси манзилга мурожаат қилишлари керак?**

- Шифоталаб инсонлар учун манзилгоҳимизни маълум қиламиз: **Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Саилова кўчаси 12-уй. Кўз касалликлари клиникаси, "Контакт линзалар" фирмаси. Қўшимча маълумотларни 46-77-51, 30-20-23** телефон рақамлари орқали олишлари мумкин.

Энг олий мақсадимиз беморларга кафолатли хизмат кўрсатиш. Ниятимиз — кўзларингиз ҳеч қачон дард кўрмасин. Ёруғ дунёга ҳар доим соғлом кўз билан назар ташланг.

**Суҳбатдош: Арофат ОРТИҚОВА "Инсон ва қонун" мухбири**

Спорт

# ЎЗБЕК КУРАШИНИНГ ДОВРИҒИ

## *Анталияда ўзбек кураши бўйича II жаҳон чемпионати бошланишига икки кун қолди*

Бугун ўзбек курашини таърифлашга ҳожат бўлмаса керак. Унинг бутун дунёга катта шов-шувлар билан тарқалаётгани барчамизни бирдек қувонтирмоқда.

"Ўзбек кураши жаҳонни қамраб олмоқда" — ҳавас ва фахр билан айтилган ушбу сўз бугунга келиб ўз исботини топмоқда! Халқаро кураш Ассоциациясидан олинган маълумотларга қараганда, II жаҳон чемпионатида 100 га яқин мамлакат қатнашишини билдирган. Ҳозирча эса имкониятлардан келиб чиқиб, 70 га яқин мамлакатга рухсат берилди. Шу кунгача 40 га яқин мамлакатдан чемпионатда иштирок этиш учун расмий билдирувлар етиб келган. Жумладан, Осиё қитъасидан: Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Тожикистон, Ўзбекистон, Корея, Япония, Таиланд;

Европа қитъасидан: Исроил, Туркия, Арманистон, Белоруссия, Польша, Голландия, Литва, Буюк Британия, Мальта, Словакия, Эстония, Россия, Ирландия;

Америка қитъасидан: Боливия, Канада, АҚШ, Бразилия, Парагвай;

Африка қитъасидан: Жанубий Африка Республикаси, Эквадор, Маврикия, Нигерия, Доминикан Республикаси вакиллар қатнашадилар.



# Машғулотлар Москвада бўлиб ўтади

## *2 июл куни боксчиларимиз Москвага навбатдаги сафарга йўл олишган эди.*



Маълумки, Сидней олимпиадасига йўлланмани қўлга киритган ўнта боксчиларимиздан: Д.Йўлдошев, А.Раҳимов, Т.Турғунов, Ш.Ҳусанов, М.Абдуллаев, Д.Ёрбеков, Ў.Ҳайдаров, С.Михайлов, Р.Чагаев, Р.Саидовлар бугун кўпчиликнинг диққат марказида турибди.

Бугунги кунда ушбу спортчиларимизга катта ишонч ва умид боғланмоқда. Улар халқаро турнирларда жисмоний ва техник тайёргарликларини кучайтириш билан бир қаторда Австралияда бўлиб ўтадиган баҳсларда жиддий рақиб ҳисобланувчи Куба, АҚШ, россиялик чарм қўлқоп вакилларининг услубларини зимдан ўрганиб чиқмоқдалар.

Москвада давом этаётган ушбу ўқув тайёргарлик машқлари 12 июлга қадар давом этади.

**Нигора ТУРСУНЗОДА**

Тиббиёт

# ЎЗИГА ХОС УСЛУБ

Пойтахтимиздаги "Флебо Сервис" номли шифокорлар гуруҳи мутахассислари томонидан оёқ веналарининг варикоз кенгайиши касаллигини даволашнинг ўзига хос услуби ишлаб чиқилди. Шу вақтга қадар хасталанган веналар жарроҳлик усулида ёки скелеротерапия деб номланувчи усулда, яъни оддий қилиб айтадиган бўлсак, томирларга махсус дори юбориш йўли билан даволанган. Эндиликда скелеротерапияда лазер нурларидан фойдаланилиб, яхши натижаларга эришилмоқда.

Республикамизда мазкур касалликни скелеротерапия услубида даволаш профессор Р.Асамов раҳбарлик қилаётган "Флебо Сервис" шифокорларидан аввал ҳам кўп қўлланилган. Лекин ушбу жамоа бу соҳада оригинал услубни ишлаб чиқди ва ривожланган мамлакатларнинг энг илғор махсуслаштирилган клиникаларидаги каби натижаларга эришишди.

Даволаш жараёнини янада такомиллаштириш йўлидаги изланишлар давомида бир янгилик киритилди — касалланган майда веналарга юқори энергетик лазер нурлари ёрдамида термик ишлов берила бошланди.

Ушбу янги услуб варикоз касаллигининг энг майда кўринишларини ҳам йўқотишга имконият яратади. Шифокор-новаторларнинг келгуси режаларидан бири кам қувватли терапевтик лазер ускуналаридан фойдаланиш бўлиб, бу даволаш жараёнини янада тезлаштиради.

**Комила ҲАМИДХОЖАЕВА, жамоатчи мухбиримиз**

## *Биласизми?*

Бир кеча-кундузда инсон юраги 8 тонна қон ҳайдайди. Бутун умри давомида эса ўртача 200 минг тонна ёки 4 минг темирйўл цистернасига тўғри келадиган қонни озиқлантириб жўнатади.

## *Ўтганларнинг охирати обод бўлсин*



# ФОТИМАХОН ШОМУРОДОВА

Бешафқат ўлим Андижон вилоят адлия ва суд идораларида кўп йилдан буён меҳнат қилиб келаётган, олийжаноб ва камтарин инсон, ўз касбининг фидойиси Фотимахон опани, айни камолот чоғида орамиздан олиб кетди.

Ф.Шомуродова 1950 йил 29 мартда Тожикистон Республикаси Хўжанд вилояти Нов туманида туғилган, 1971 йилда Тожикистон Давлат Университети ҳуқуқшунослик факультетини тугатган. Меҳнат фаолиятини Тожикистон Республикаси Адлия вазирлигида бошлаган. 1972-1982 йилларда Андижон вилоят адлия бошқармасида катта маслаҳатчи, Андижон шаҳар 2-давлат нотариал идорасида маслаҳатчи, Асака шаҳар давлат нотариуси, Андижон шаҳар 1-давлат нотариал идорасида маслаҳатчи, Олтинкўл тумани нотариуси лавозимларида ишлади. Сўнг 1982 йилдан Асака туман судининг раиси, 1986 йилдан Андижон вилоят суди судьяси лавозимларида ишлади.

Фотимахон опа ўз меҳнат фаолияти мобайнида меҳнатвесарлиги, ишчанлиги, ташаббускорлиги, самимийлиги, камтарлиги, инсонларга ғамхўрлиги билан ажралиб турди, дўстлари ўртасида чексиз ҳурмат-эътибор қозонган, чуқур билимга ва амалий тажрибага эга инсон эди.

Фотимахон Шомуродованинг порлоқ хотираси, эзгу ишлари фарзандлари, дўстлари ва ҳамкасблари қалбида абадий сақланиб қолади.

**Андижон вилоят адлия бошқармаси ва вилоят суди жамоалари**

# ГИННЕС ШОУ

## *ИТАЛИЯ МАФИЯСИ*

Италия мафияси дунёда энг йирик қўпорувчилик жиноятларини содир этган монополистик уюшма ҳисобланади. Якдил "қўмита" 25 оиладан иборат 3000-5000 кишини ўз ичига олади. Бирлашманинг йиллик пул муомаласи 200 млрд. долларни, даромад эса 75 млрд. долларни ташкил этади.

## *ЭНГ КЎПСОНЛИ МАҲБУСЛАР*

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотларининг ҳисоб-китобига қараганда, Хитойдаги ҳар 100.000 кишининг 1650 тасини қамоқ жазосига ҳукм этилган маҳбуслар ташкил қиларкан.

## *ҚИММАТБАҲО ҚАМОҚХОНА*

Берлин шаҳридаги 1887 йилларда барпо этилган Шпандоу қамоқхонаси узоқ вақт фақатгина 1 кишига — герман фашисти Рудольф Гесса (1894-1987 й)га хизмат қилган. Ҳарбий жиноятчи бу ерда ўзининг 20 йиллик умрини ўтказган. Бу вақт ичида 105 кишидан иборат турма ходимлари таъминоти учун йилига 415.000 долларлик маблағ харажат қилинган.

Ва ниҳоят, ўз жонига қасд қилгандан сўнг бу йирик харажатлар барҳам топиб, қамоқхона бошқа жойга кўчирилган.

## *ЭНГ КАТТА ЖАРИМА*

Энг йирик жарима 1988 йилда АҚШнинг қимматбаҳо қоғозлар олди-сотдиси билан шуғулланувчи "Дрексел Вернем Ламберт" фирмасига нисбатан қўлланилган. Фирма қимматбаҳо қоғозлардан ўз манфаати йўлида фойдалангани ҳам нотўғри маълумотлар бергани учун 650 млн. доллар ҳисобида жаримага тортилган.

## *ЭНГ ЙИРИК ЎҒРИЛИК*

Германия талон-тарож қилингандан сўнг 1945 йилнинг апрел-майида Рейхсбанкка ўғрилик уюштирилди. "Нацист олтини" китобида бу ҳодисалар тўлалигича тасвирланган бўлиб, ўғрилик 2,5 млрд. фунт стерлингни ташкил этиши кўрсатилган.

## *СОХТА БАНКНОТ ҲАРАКАТИ*

Иккинчи жаҳон уруши даврида учинчи рейх герман фашистлари томонидан "Бернхорд" деб номланган сохта банкнотлар тайёрлаш операцияси ўтказилди. Улар 130 млн. фунт стерлинг банкнотни муомалага чиқаришган. Сохта банкнотларни 140 кишидан иборат тутқунлар тайёрлашган.

## *"Тибюрон"-чилар кураши*

Колумбия раҳбарияти ҳамда гиёҳвандликка қарши кураш бошқармаси ҳамкорликда ўтказилган 14 ойлик "Тибюрон" гиёҳвандликка қарши кураш ҳаракати натижасида 2903 т. колумбия марихуанаси қўлга киритилган. Шу муносабат билан 495 кишининг қўлга олингани ва улар устидан суд жараёни бошлангани ҳақида 1982 йил 5 февралда расмий баён этилган.

**Улуғбек ДУСМАТОВ тайёрлади**

## *ЭЪЛОН!*

**"Инсон ва қонун" газетаси ҳамда "Ҳаёт ва қонун" журнали Бирлашган таҳририяти ўз таркибида юз берган баъзи ўзгаришлардан ўқувчиларни воқиф этади, яъни таҳририят бўлим мудири лавозимида ишлаб келган Саҳобиддин Сирожиддинов, Фарғона вилояти бўйича мухбири Эрдавлат Одилов, Сурхондарё вилояти бўйича мухбири Аҳлиддин Нуралиевлар бошқа ишга ўтганлиги боис меҳнат шартномаси бекор қилинганлигини маълум қилади.**

Бу ажиб дунё

## *32 ТИШЛИ ЧАҚАЛОҚ*

**Молдовиядаги Флорешта шаҳрининг ёш бекаси туғруқхонадан чиққач, бир неча кун кейин чақалоғини... тиш шифокори қабулига олиб келди. Қизиғи шундаки, у оғзи тўла тиш билан туғилган эди. Бу эса болани эмизишда онага катта қийинчиликлар туғдираётганди.**

**Шифокорлар маслаҳатлашиб, якдиллик билан: "Бемаврид пайдо бўлган тишларни олиб ташлаш керак!" деган якдил қарорга келишди.**

**Илгари ҳам чақалоқларнинг 2-3 та сут тиш билан туғилиши каби ҳоллар юз берган, лекин боланинг тўлиқ тиш билан дунёга келиши ҳеч кузатилмаганди.**



## *МИЛЛИАРДИНЧИ ФУҚАРО ТУҒИЛДИ*

**Ҳа, Ҳиндистон аҳолисининг сони бир миллиардга етди. Бу жаҳон аҳолисининг 16 фоизини ташкил этади. Миллиардинчи чақалоқ Деҳлидаги "Сафдаржанг" касалхонасида дунёга келди. Қизалоқнинг исми Аша бўлиб, бу "орзу" деган маънони билдиради.**

## *КЕНЖА ЎҒЛИ... 88 ЁШДА*

**Ажариянинг Абукета қишлоғида яшовчи Пируза Беридзе ўзининг 120 ёшини нишонлади. Пиру бадавлат бувининг тўрт фарзанди, 19 нафар невараси ва 70 нафар эвараси бор. Энг кичик ўғли 88 ёшда.**

**"Узоқ умр кўришимнинг сабаби тўғри овқатланишимда ва одамларга фақат яхшилик қилганлигимда", деб изоҳлайди Беридзе.**

**Ҳамқишлоқларнинг таъкидлашича, Пируза буви 120 ёшга кирганида учинчи марта янгидан тишлари чиққан.**

**ОАВ асосида М. ЖАЛИЛОВА тайёрлади**

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Узоқ БОЗОРОВ
Элмурод МУТАЛХЎЖАЕВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ (масъул котиб)
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-546 Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00

Навбатчи: А.ОТАБОЕВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: У. ДЎСМАТОВ
Компьютерда матн терувчи: М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, [illegible]
Тел: 133-24[illegible]
132-14[illegible]
«Инсон ва қонун» газетаси 199[illegible] йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида [illegible]00141- сон билан рўйхатдан ўтган.

